



**Анвар САЙФУЛЛАЕВ**

катта ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

[anvars-sayfullaev@mail.ru](mailto:anvars-sayfullaev@mail.ru)

## **КЎМАКЧИЛАРНИНГ ШАКЛИЙ-МАЪНОВИЙ АСИММЕТРИЯСИ**

Ўзбек тилидаги кўмакчилар асимметрик имкониятларининг кенглиги билан характерланади. Кўмакчиларнинг аксарияти бирдан ортиқ маъно ифодалаш имкониятига эга. Шунингдек, ифодаланадиган маъноларнинг кўпчилиги бирдан ортиқ шакл воситасида нутққа кўча олади. Айрим кўмакчиларнинг асимметрияси мустақил (луғавий) ва грамматик (ёрдамчи) маъно ифодалаш доирасида, яъни кенгрок бўлиб, бу уларнинг симметриклигини шартли дейишга асос бўлади.

Вспомогательные слова в узбекском языке характеризуются своими широкими возможностями асимметрии. Многие из них выражают больше одного значения. Кроме того, многие из выражаемых значений в речи выступают в различных формах. Асимметрия некоторых вспомогательных слов наблюдается в выражении грамматического и лексического значений, то есть шире, чем у других, что позволяет судить об условности их симметрии.

Uzbek auxiliary words are characterized with their expended asymmetric possibilities. Many of them have more than one meaning. In addition, the meanings they express may function in more than one form in speech. Asymmetry of some auxiliary words is observed in expressing lexical and grammatical meanings, i.e. it is wider than others', which can be the ground to consider their symmetricity conditional.

**Калит сўзлар:** агглютинатив тиллар, ёрдамчи сўзлар, умумий маъно, морфемалар, шакл ва мазмун, тилнинг лексик ва морфологик хусусиятлари.

**Ключевые слова:** агглютинативные языки, вспомогательные слова, общее значение, морфемы, форма и содержание, лексические и морфологические свойства языка.

**Key words:** agglutinative languages, auxiliary words, general meaning, morphemes, form and meaning, lexical and morphological properties of the language.

Агглютинатив тиллар қурилиши бирликларини, жумладан, ўзак, кўшимча ва ёрдамчи сўзларни, флектив тиллардагидан фарқли равишда, жиддий маъно фарқларига эга бўлмаган, фақат бир (умумий) маъно ифодаладиган бирликлар сифатида талқин этиш умумий тилшуносликда кенг тарқалган. Лекин ҳар қандай агглютинатив тилдаги каби, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили лексик ва морфемик бирликлари ҳам полисемантиклик, полифункционаллик хусусиятларига эга. Бу барча тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам лисоний универсалия кўринишларидан бири – шаклий-вазифавий асимметрия мавжудлиги, бу қонуният тилнинг яшаш ва ривожланиш

шартларидан бири эканлиги билан боғлиқ. Тилда морфем такрор (морфем плеоназм), синкретизм (маъноларнинг қоришиқлиги ва диффузлиги), боғли ва асемантик бирликларнинг тўхтовсиз ҳосил бўлиб туриши ўзбек тилига ҳам узлуксиз тарихий жараёнлар ҳослигини, бу эса муайян синхрон ҳолатда шакл ва мазмуннинг турлича муносабатлари акс этиши шубҳасизлигини кўрсатади. Тилнинг тараққиёт жараёни, шунингдек, муайян вақт кесмасидаги синхрон ҳолати диалектик ривожланиш ва мавжудликнинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Бу қонуниятлар тилшуносликда гиперагглютинация, фузия, морфологик қайта бўлиниш ва соддаланиш, асимметрик дуализм, функционал транспозиция каби номлар остида турли томондан, ҳар хил методология асосида, бошқа-бошқа мақсадлар учун талқин қилинган.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида қиёсий-тарихий тилшуносликдаги туркий халқ ва миллатлар менталитети, миллий тафаккур тарзи ва руҳиятини бирёқлама талқин қилиш вазифасига бўйсундирилган қарашларга эргашиш мажбуриятидан воз кечилиб, бундай талқин ва ғояларга барҳам бериш, айниқса, тилимизнинг ички имкониятлари кенглигини далилловчи ҳолатларни, уларнинг замиридаги объектив қонуниятларни очиш ва тавсифлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тилшунос Н. Маҳмудов уқтирганидек, шаклий-маъновий номутаносиблик (асимметрия) ўзбек тилининг барча сатҳларига хос, ўзбек тилшунослиги фанининг бош (кардинал) масалаларидандир(2, 76).

Тил лексик-морфологик қурилишида шакл ва мазмун номутаносиблиги ҳам диахрон, ҳам синхрон планда узлуксиз рўй бериб туради. Бу ўзгаришлар тилнинг реал грамматик сатҳи бўлган синтаксисга ўз таъсирини муттасил ўтказиб боради. Диахрон планда *мен* (эга) *борганим йўқ* (кесим), *у* (эга) *келиши керак* (кесим) каби қурилмалар аслида *менинг* (қаратувчи аниқловчи) *борганим* (эга) *йўқ* (кесим), *унинг* (қаратувчи аниқловчи) *келиши* (эга) *керак* (кесим) каби қурилмалардан ўсиб чиққанлиги шубҳа уйғотмайди. Кейинги қурилмалардаги эгалик шакли шундай фараз қилиш имконини беради. *Мен учун, сен учун, мен каби, сен каби* кўмакчили қурилмалари бугунги кунда талаффуз қулайлигига эришиш ҳаракатлари натижасида *менинг учун, сенинг учун, менинг каби, сенинг каби* кўринишларни олаётганлиги маълум.

Ўзбек тилидаги *-гудек* мураккаб морфологик воситаси бугунги кунда равишдош шакллари тизимида кўрилаётган бўлса-да, унда нафақат феълнинг, балки барча мустақил сўз туркумларига хос умумий белгини билдиришга хосланган шакл дейиш мумкин. Бу воситанинг таркибида *-дек*, *-дай* кўмакчининг тарихий қолдиқлари яшаб келаётганлиги билан боғлиқ. Маълумки, *-гудек/-гудай* шакллари – келаси-замон сифатдош шакли *-гу* ва ўхшатиш-қиёслаш маъносини билдирувчи *-тек// -дек/-дай* шаклларининг

яхлитланиши натижаси. Бу тарихий бирликнинг хусусиятлари ҳақида Алишер Навоий ҳам махсус тўхталади: “Яна бир навъ иборат ва адолари борким, бировдин бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбатгуна берурлар, йўққи таҳқиқ юзидин, балки мазанна ва гумон ҳайсиятидин, аммо мунда диққат кўпдур. Андоққи, *боргудек* ва *ёргудек* ва *келгудек* ва *билгудек* ва *айтгудек* ва *қайтгудек* ва *ургудек* ва бу форсийда бўлмас” (3, 22). Бу ходисаларнинг келтириб чиқарувчи омиллар гоҳ шаклий, гоҳ маъновий ёхуд шаклий-маъновий омиллар таъсирида юз берган. Бу омилларнинг роли ва ҳамкорлиги масаласини диахроник-асимметрик аспектда ўрганиш тилшунослигимиз олдидаги вазифалардан.

Тилнинг тараққиёти синергетик қонуниятлар билан ҳам боғлиқ бўлиб, тилдаги номутаносиблик ҳолатлари бевосита ана шу қонуният билан “оқланади”. Бу номутаносиблик фанда баъзан *иррационаллик* (Соссюр), баъзан *асимметрия* (Карцевский) атамалари билан номланади. Тилда рационаллик ва иррационаллик уйғун ҳолатда бўлади. “Агар тил механизми тўла рационал бўлганда эди, уни “нарса ўзида” каби ўрганиш мумкин бўларди” (4, 165).

Тилдаги аниқланган қолипларга асосланган лингвистик тафаккуримиз ҳар қандай ҳодисанинг қолипларини топиш, уларни қолипларга солиш ва, маълум бир қолипларга тушмаса, иррационал ҳодиса сифатида баҳолашга мойил. Ҳолбуки, муайян қолипларни аниқлашдан ожиз ҳолатларимиз бундай қарашларга олиб келиши ҳақидаги ҳукм тўғрироқ.

Шаклий ва маъновий номувофиқлик (асимметрия) тилнинг мустаҳкам яшаш шартларидан биридир. Агар тилда фақат мувофиқлик қонунигина мавжуд бўлса эди, тил ривожланмас ва инвентерлашган статик ҳодиса, аксилтараққий омил сифатида мавжуд бўлар эди.

Маълумки, асимметриянинг уч кўринишини фарқлаш мавжуд:

- а) систем асимметрия;
- б) структур асимметрия;
- в) функционал асимметрия (1, 25).

Структур асимметрия тил бирликлари шакли ва мазмун структурасининг турли даражадаги номутаносиблигида намоён бўлади. Бу синтагматик ва парадигматик муносабатларда мавжуд бўлади.

Синтагматик пландаги симметрия нутқда ифода ва мазмун бирликларининг, яъни ифодаланувчи ва ифодаловчининг миқдорий мувофиқлигида кўринади:

Ифода piani	<i>Салим</i>	<i>учун</i>	<i>ол</i>	<i>сай</i>	<i>Ди</i>	<i>нг</i>
<i>Салим учун олдим</i>	шакл <sub>1</sub>	шакл <sub>2</sub>	шакл <sub>3</sub>	шакл <sub>4</sub>	шакл <sub>5</sub>	шакл <sub>6</sub>
Мазмун piani	шахс	аташ	ҳаракат	майл	замон	шахс-сон

Синтагматик пландаги асимметрия нутқда ифода ва мазмун бирликларининг, яъни ифодаланувчи ва ифодаловчининг микдорий номувофиклигида кўринади:

Ифода piani	<i>Салим</i>	<i>учун</i>	<i>ол</i>			
<i>Салим учун олдим</i>	шакл <sub>1</sub>	шакл <sub>2</sub>	шакл <sub>3</sub>			
Мазмун piani	шахс	аташ	ҳаракат	майл	замон	шахс-сон

Бунда бир шаклий birlikка бирдан ортиқ мазмуний birlikларининг тўғри келаётганлигини кўрамыз. Шунингдек, бирдан ортиқ шакл бир мазмунни ифодалаш мумкин:

Ифода piani	<i>Уй</i>	<i>га</i>	<i>томон</i>	<i>юр</i>	<i>Ди</i>	<i>м</i>
<i>Уйга томон юрди</i>	шакл <sub>1</sub>	шакл <sub>2</sub>	шакл <sub>3</sub>	шакл <sub>4</sub>	шакл <sub>5</sub>	шакл <sub>6</sub>
Мазмун piani	шахс	йўналиш		майл	замон	майл
						шахс-сон

Синтагматикада мазмун ва шакл асимметрияси кўшма аффиксларда бўлгани каби аналитик воситаларда ҳам икки ва ундан ортиқ шаклнинг бир мазмун ифодалашини акс эттиради. Комплекс birlikларга (улар Н.Я.Март томонидан “амалдаги комплекслар” – “ходячие комплексы” деб номлаган) хос хусусиятларнинг аналитик, хусусан, кўмакчили шакллардаги ўзига хосликлари ўзбек тилшунослигида ўзининг монгорафик тадқиқига эга бўлиши керак.

Ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг шакл ва мазмун асимметрияси тилимизнинг ранг-баранг имкониятларини ўзида акс эттиради. Масалан, учун кўмакчиси бир-биридан нисбатан узоқлашган:

- а) “сабаб”;
- б) “мақсад”;
- в) “аташ”

каби маъноларни билдиради, боғлаётган сўзлари орасида шундай маъновий муносабатларни кўрсатиш вазифасини бажаради. Ёки билан сўзи кўмакчи вазифасида (унинг боғловчилик вазифаси ҳам мавжуд) қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) “биргалик” маъноси: 1. *Отам билан келдим.* 2. *Кўчаларни, қишлоқни, айниқса, Маҳваши билан бирга дарс тайёрлаган жойларни жуда-жуда қўмсадим* (Т.Ашуров “Оқ от”);

2) “восита” маъноси: 1. *Ошнинг таъми туз билан, одам таъми сўз билан* (Мақол). 2. *Сут билан кирган — жон билан чиқар* (Мақол). 2. *Косада лағмон кўтариб кирган Марғуба бир қўли билан шишани ушлади* (С.Зуннунова. “Кўк чироқлар”). 3. *Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади* (Газетадан);

3) “тарз” маъноси: 1. *Хатда Санобар эрининг қайтишини сабрсизлик билан кутаётганини ёзар эди* (С.Зуннунова. “Кўк чироқлар”). 2. *Акбарали тупроққа ёнбоши билан тушиди* (С.Аҳмад. “Уфқ”). 3. *Ойша хола бу овозни бутун қалби, борлиги билан тингларди* (С.Зуннунова. “Кўк чироқлар”);

4) “пайт” маъноси: 1. *Маҳваши ҳам кундузи билан шу ерда бўлади* (Т.Ашуров. “Оқ от”);

5) “воқе бўлиш” маъноси: 1. *Бу растада икки томонда беш-олтита катта дўкон бўлиб, тор, камгак йўл билан баззозликка, шоҳифурушилик растасига туташар эди* (Ойбек. “Танланган асарлар”);

б) “сабаб” маъноси: 1. *Командирнинг буйруғи билан келдим.* 2. *Ҳар бир нарсага олдиндан ҳукм этиши тўғри эмас. Ҳар бир иш Оллоҳнинг буйруғи билан бўлади* (Ойбек, “Танланган асарлар”)(6, 257–258).

Бу маънолар бошқа кўмакчи ёки бошқа воситалар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Лекин синтактик қурилиш, матн ва услуб талаби асосида билан кўмакчисининг қўлланилишига эҳтиёж кўпроқ бўлади.

Ўзбек тилидаги аксарият кўмакчилар полисемантиклиги билан характерланади. Қуйида полисемантик асимметрик кўмакчи ва улар орқали ифодаланадиган асимметрик маъноларни жадвалда берилди:

Асимметрик шакл	Асимметрик маъно турлари															Асимметрик маъно миқдори	
	Биргаллик	Восита	Замон	Мақон	Тарз/ҳолат	Мақсад	Сабаб	Объект	Қиёс	Йўналиш	Миқдор	Мослик	Қамраш	Таъкид	Асос		Муносабат
Билан	+	+	+	-	+	0	0	+	-	-	-	-	-	-	-	-	5
Учун						+	+	0	-	-	-	-	-	-	-	0	2
Сайини	-		+		+												2
Орқали		+		+													2
Оша			+	+													2
Бўйлаб			+	+													2
Бўйи			+	+													2
Қадар			+	+													2
Кўра							+							+			2
Қараб											+					+	2
Сўнг/ кейини			+	+													2

Бери			+	+													2
Буён			+	+													2
Илгарн			+	+													2

Айрим кўмакчилар маъно ва қўлланиш имкониятларининг чекланганлиги билан характерланади.

Кўмакчи	Маъно турлари															
	Биргаллик	Восита	Замон	Макон	Тарз/Холат	Мақсад	Сабаб	Объект	Қилёс	Йўналиш	Миқдор	Мослик	Қамраш	Таъкид	Асос	Муносабат
каби/яниглинг	⊖	-	-	-	⊖	-	-	-	+	-	-	⊖	⊖	-	-	-
сарн										+						
сабабли / туфайли							+									
чоғли											+					
бўйича												+				
узра				+												
ичра				+												
деган/дейдиган																+
чамаси											+					
ҳақ(н)да																+
ҳолда/йўсинда					+											
томон										+						
қарши								+								
қараганда														+		
қара(май) (масдан)																+
яраша												+				
доир / асосан / биноан / мувофиқ																+
қарата										+						
бошқа/ ташқари/ бўлак / ўзга																+
шари(га)																+
бурун			+													
бошлаб / тортиб			+													

Бу ўзбек тили ифода имкониятларининг кенглиги ва воситалари миқдорининг кўплиги билан боғлиқ. Шунингдек, бу кўмакчиларнинг симметриклиги нисбий бўлиб, симметриклик мақоми фақат кўмакчи доирасидадир. Ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи сўз вазифасини бажариши нуқтаи

назаридан ушбу кўмакчи вазифасидаги сўзлар ҳам полисемантик ва полифункционалдир.

Демак, ўзбек тилидаги кўмакчилар дунё тиллари учун лисоний универсалия бўлган шаклий-мазмуний асимметриядан холи эмас.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака / Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. Ч. II. – М., 1965. – С. 85–93.
2. Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Автореф. ...докт. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 45 с.
3. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. – Тошкент: Фан, 1999.– 224 б.// <http://www.ziyouz.com/books/navoiy/Alisher%20Navoiy.%20Mukammal%20asarlar%20to'plami.%2015-jild.pdf>
4. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики // Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. Перевод с франц. – М., 1977. – С. 31–273.
5. Ҳожиёв А. Фель. – Тошкент: Фан, 1973. – 192 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – 591 б.